

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЛЕНГЛАР

Сулаймонова Саодат Шомуротовна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Навоий академик лицейи

Инглиз тили фани ўқитувчиси

Аннотация: Инглиз ўзбек тилларида фойдаланиш доираси чекланган лексик бирликлар жуда ҳам кўп учрайди. Уларнинг аксарият кўпчилиги янгилиги ва оригиналиги билан тилда фаркланадиган лисоний ҳодиса ҳисобланади. Мавжуд тиллардаги сленгларнинг бир тилдан иккинчи тилга кўчиши масаласи ҳам долзарб.

Калит сўзлар: фойдаланиш доираси чегараланган лексик бирликлар, нофаол лексик бирликлар, сленг, сўз ўзлаштириш.

Сленг янгилиги ва оригиналиги билан фарқ қилганлиги туфайли адабий тиллексикасининг услубий синонимлари ҳисобланишини қайд қилгани ҳолда, у қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) умумий сленг, яъни инглиз адабий тили таркибига кирмайдиган, аммо сўзлашув нутқида кенг тарқалган ва ҳамма учун тушунарли бўлган образли сўз ва турғун бирикмалар бўлиб, ҳиссий бўёқдорлиги билан ажралиб турадиган тил бирликларини ташкил қилади. Сленг янгилиги ва оригиналиги билан фарқ қилганлиги туфайли адабий тил лексикасининг услубий синонимлари ҳисобланади. Масалан: *bed-sitter (bed-sitting room), bob (shilling), booze (a drink, to drink liquor), to dry straight (to straighten up), hide (human skin), knock-out drops, dope (narcotic dhops), a sparkler, a glamour girl (a social success), to work the steam off (to rid oneself of excessive energy)*

2) махсус сленг, яъни у ёки бу махсус ёки касб-ҳунар профессия лексикасига кирувчи сўз ва сўз бирикмалари: денгизчилар, спортчилар, актёрлар, юристлар (ҳуқуқшунослар), талабалар ва бошқа тоифалар сленги ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар сленги, масалан, кокни, яъни Лондоннинг оддий кишилари диалекти, олий табақа жаргони, инглиз аристократларининг фарзандлари учун очилган ёпиқ ўқув юртларида қўлланадиган сўз ва иборалар, ўғрилар жаргони ва ҳоказо. (Арнольд 1959: 267)

Ричард А Спирерс луғатида сленглар географияси биров кенг берилган. Жумладан, луғатдан касалхона жаргони, дайдилар, ҳарбий хизматчилар, автомобиль пойгачилари, журналистлар, қиморбозлар, ковбойлар, компьютерчилар жаргони, музикачилар, ўсмирлар, студентлар жаргони (булар асосан коллеж талабалари тилида қўлланади), қамоқхона жаргони, жиноятчилар жаргони, кўча жаргони (АҚШнинг йирик шаҳарлари кўчалари жаргони), молия хизматчилари жаргони (пул сотиш ва сотиб олишда қўлланадиган жаргон) каби турлари қайд қилинади

Тилшуносларнинг сленгга бўлган муносабати бир хил эмаслигини кўриб ўтдик. Айрим олимларнинг сленг адабий тил меъёрларига тўғри келмайди, деган фикрларига муносабатини билдирган И.В. Арнольд бундай қарашларга қарши чиқиб, сленг тилда мавжуд сўз ясалиш моделлари асосида шаклланишини

кўрсатган ҳолда сленг ва бошқа лексик бирликлар орасида чегара йўқлигини қайд қилади. Сленг сўзлари умумадабий тилдаги сўз ва ибораларнинг кўчма маънода қўлланиши тарзида янги маъноларда пайдо бўлиб, адабий тилга ўрнашади. Буни қуйидаги сўзлар мисолида ҳам кўриш мумкин: *above-board* “ҳалол, тўғри”, *ha I rdo* “тараш, тарамок”, *mahe-up* “грим, косметика”, *to live up* “арзимоқ, арзирли бўлмоқ”, *tube* “метро”, *vac* “таътил”, *wire* “телеграмма”, *zoo* “ҳайвонот боғи” каби.

Сленг табиатан янгиланиб туришни талаб қилади. Сленгнинг кўплаб сўзларинисбатан қисқа умр кўради, яъни улар тилдан ўрин ололмасалар, истемолдан чиқиб кетади ва одатда янги сўзлар билан алмашади. Э.Партридж инглиз тилидақўлланган “олифта , пўрим” маъносида қўлланилган бир қатор сўзларни келтиради: *blood* (1550-1660), *macaroni* (1760), *buck* (1720-1840), *dandy* (1820-1870), *swell* (1811), *toff* (1851) ва истемолда бўлган *teddy-bou* каби.

Айтганимиздек, олимлар сленгга турлича муносабатда бўлиб келмоқдалар. Булар орасида сленг тилнинг луғат таркибини бузади деювчилар ҳам, сленгнинг экспрессивлигини назарда тутган ҳолда у тилнинг луғат таркибини бойитади деювчилар ҳам бор. Фикрларнинг бундай ҳар хиллиги сленг сўз ва иборалар орасида образли иборалар қаторида қўпол сўзлар ва ўғрилар жаргони учраши асосий сабаб деб кўрсатилади. Шунинг учун сленгни баҳолашда дифференциясиз ёндашиш ўзини окламайди. Бундан ташқари, лексикология у ёки бу тил меъёрларини белгиламайди, -бу услубиятнинг вазифасидир. Лексикологиянинг вазифаси тилнинг луғат таркибини ўрганиш ва тавсифлаш бўлиб, уларни баҳолаш тилшуносликнинг бошқа бўлимига тегишлидир. Сленгнинг ҳозирги инглиз тили сўзлашув нутқида кенг истемолда бўлганлиги унинг тилдаги мавқеи катта эканлигини кўрсатади. Сленг АҚШ ва Австралиянинг инглиз тилида тараққий этган, уларнинг тилида қўлланган кўплаб сўзлар инглиз тилидан ўрин олган. Масалан, *Attaboy*, *cute*, *full of pep*, *swell* сингари.

Адабиётлар:

1. Гальперин И.Р., Черкасская Е.Б. Лексикология английского языка. Изд “Ин-яз”, М., 1956.
2. Дублягин Ю.П, Теплецкий У.А. Краткий англо-русский и русско-английский словарь уголовного жаргона”, М., ”Терра”, 1993.
3. Дониёров Р, Қосимов А. “Терминология ва сўз ясаилишининг айрим масалалари” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995, 4-сон)